

9. Нормурзаев, У. (2021). Пути эффективного использования налоговых льгот для поддержки предпринимателей. Экономика и инновационные технологии, (4), 355–362. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11954
10. Нормурзаев, У. (2023). Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида молия бозорининг долзарб муаммолари тадбиркорликни тенг рақобат шароитларини яратиш ҳамда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш ўйлари. <https://inlibrary.uz/index.php/financial-market-growth/article/view/19032>
11. Нормурзаев, У. (2023). Солиқ имтиёзлари бериш тартибини такомиллаштириш масалалари. *Iqtisodiyot Va ta'lif*, 24(1), 334–339. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a51
12. Нормурзаев, У. (2023). Солиқ имтиёзлари бериш тартибини такомиллаштириш масалалари. *Economics and education*, 24(1), 334–339.
13. Нормурзаев Умид Холмурзаевич Солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимили таркибий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш сиёсати // Экономика и финансы (Узбекистан). 2020. №4 (136). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/soli-imtiyozlari-or-ali-i-tisodiyot-tarmo-lari-alarida-tizimli-tarkibiy-islo-otlarni-llab-uvvatlash-siyosati>.
14. Нормурзаев У. (2021). Анализ эффективности налоговых льгот и преференций в поддержке определенных секторов с целью дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности в узбекистане. *Economics and Education*, (6), 82–86. https://doi.org/10.55439/ECED/vol_iss6/a285



РЕСУРСЛАРНИ СОЛИҚЦА ТОРТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a33

Насимджанов Юнусжон Зохидович -
Ташкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчи

Аннотация. Мазкур мақолада республикамизда ресурс солиқларини ҳисоблаш, уларни ундириш ҳамда улар билан боғлиқ солиқ маъмурчиликни ташкил этиши бўйича мавжуд иқтисодий муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимлари билан боғлиқ илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиши ва уларни такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: ресурс солиғи, недра солиғи, бюджет, солиқ маъмурчилиги, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси, қишлоқ хўжалиги, фермер хўжалиги, кўп тармоқли фермер хўжалиги, кластер тизими.

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ОСНОВ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ РЕСУРСОВ

Насимджанов Юнусжон Зохидович -
Ташкентский государственный
экономический университет независимый соискатель

Аннотация. в данной статье в нашей республике разработано предложение по расчету налогов на ресурсы, выявлению существующих экономических проблем по их взиманию и связанной с ними организации налогового администрирования, разработке научных и практических рекомендаций, связанных с их решениями, и их совершенствованию.

Ключевые слова: налог на ресурсы, налог недра, бюджет, налоговое администрирование, налоговый потенциал, нормативный анализ, налоговый отчет, налоговые поступления, налоговые льготы, налоговая ставка, сельское хозяйство, фермерское хозяйство, многопрофильная ферма, кластерная система.

ISSUES OF IMPROVING THE THEORETICAL FOUNDATIONS OF RESOURCE TAXATION

Nasimdzhanov Yunusjon Zahidovich -
Tashkent State University of Economics
independent seeker

Abstract. in this article, a proposal has been developed in our republic to calculate taxes on resources, identify existing economic problems in their collection and related organization of tax administration, develop scientific and practical recommendations related to their solutions, and improve them.

Keywords: resource tax, subsurface tax, budget, tax administration, tax potential, regulatory analysis, tax report, tax revenues, tax benefits, tax rate, agriculture, farming, multidisciplinary farm, cluster system.

Кириш. Республикаизда маъмурий, иқтисодий, шунингдек, солиқ тизимидаги ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида бугунги кунда республикамиздаги сув

ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, мавжуд ер участкалари ва мол-

мулкни солиққа тортишни янада такомиллаштириш, уларни баҳолаш ва ҳисобини юритиша замонавий усулларни жорий қилиш, ер ва сув ресурслари, ер қаъридан қазиб олинадиган фойдалы қазилмалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни таъминлашга қаратилган солиқ тизими такомиллаштирилиб борилмоқда. “Глобал иқлим ўзгариши натижасида сўнгги йилларда даврий равишда кузатилаётган сув танқислиги ва ички ирригация тармоқларининг асосий қисми яроқсиз ҳолатга келганини суғориладиган экин ерларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашишига ва йиллар давомида фойдаланишдан чиқиб кетишига олиб келган, кейинги йилларда ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиши тартибини, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ва экспертларни жалб қилган ҳолда, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш тартибини янада такомиллаштириш” ни тақозо этмоқда

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ўзбек олимлардан Ф.А.Сафаров “Хўжалик юритувчи субъектларнинг табиий ресурслардан самарали фойдаланишини солиқлар воситасида рағбатлантириш” мавзусидаги номзодлик диссертация ишида корхоналар ва ташкилотлар томонидан табиий ресурслар билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган кам чиқитли инвестициялар учун рағбатлантирувчи имтиёзларни қўллаш, табиий ресурс солиқларини ихчамлаштирилган солиққа тортиш тизимида ҳам қўллашни илмий асослаган, ноқишлоқ хўжалик корхоналаридан олинаётган ер солиғини ҳисоблаб чиқиш ва ундиришда улар фойдаланаётган ернинг кадастр қийматидан ундириш механизмини жорий қилиш масаласини таклиф қилган, ер ости бойликларидан олинадиган солиқларни ҳисоблашда ҳисобга олиш усулини таклиф этган ҳамда бу солиқни ундириш механизмларини янада такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқкан[1].

Д.Курбанов эса ўзининг диссертацион ва монографик тадқиқотлари асносида Ўзбекистонда “алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналарда сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланишини таъминлаш мақсадида уларга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этиш таклифини ишлаб чиқкан, шунингдек, автотранспорт воситаларни ювишга ихтисослашган корхоналар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни белгилашни асослаган, сув ресурсларидан оқилюна ва самарали фойдаланишини таъминлашда тадбиркорлик субъектларининг йиллик ялпи тушуми 1 млрд. сўмдан ошган тақдирда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилари таркибига киритилиши таклифи” ни ишлаб чиқкан[2].

А.Тошқұлов қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари солиқ тўловчиларнинг солиқ тўловчи сифатида мақомини аниқлаш, умумбелгиланган тартибда солиққа тортиш, қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий фоалиятини рағбатлантириш мақсадида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пасайтирилган ставкаларни қўллаш, янги барпо этиладиган боғ, токзор ва тутзорлар эгаллаган ерларни солиқлар воситасида рағбатлантириш масалаларининг методологик йўналишларини ишлаб чиқкан[3].

Иқтисодчи С. Кузнецов тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб қувватлаш масалаларини назарий жиҳатдан тизимлаштириб, жараёнли парадигма сифатида унинг бир қанча муҳим илмий иқтисодий тадқиқот қоидалари ёритиб берган. Хусусан, “Молиявий қўллаб қувватлаш” концепцияси пул маблағлари ёки моддий активларнинг комбинацияси сифатида тақдим этилишини эътироф этади[4].

Америкалик иқтисодчилар Зви Боди ва Роберт Мертонлар молиявий қўллаб-қувватлаш тизимига аниқлик киритиб, молиявий қўллаб-қувватлаш тизими сифатида маълум объектларга нисбатан қабул қилинадиган тадбирларни амалга ошириш ҳаракатлари мажмуаси ва кетма кетлиги эканлигини илгари сурошган. Улар молиявий таъминот билан боғлиқ қўллаб қувватлаш тизими молиявий категория сифатида молиянинг иқтисодий моҳияти ва функцияларига асосланиши лозимлигини эътироф этишади[5].

Иқтисодчи С. В. Барулин, молиявий қўллаб қувватлаш тизимини икки томонлама жараён сифатида кўриб ўтади. Унинг фикрича молиявий қўллаб-қувватлаш тизими, алоҳида иқтисодий агентларни молиявий таъминот тизимини маълум ноаниқликлар шароитида оптимал таъминлаштириш ҳисобланади[6].

Иқтисодчи И.В. Зиятковскийнинг фикрича, молиявий қўллаб қувватлаш яхлит тизим сифатида жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини барқарор ривожланишини молиявий таъминлаш учун қулай муҳит яратадиган молиялаштириш манбалари ва шакллари тизимирид[7].

Т.В. Сокольская қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб қувватлаш тизимида аниқлик киритиб, қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектларининг асосий ва айланма, хусусий ва қарз маблағлар билан таъминлаш, етарли ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш учун қулай молиявий шарт шароит яратиш тизими эканлигини таъкидлайди[8].

Тадқиқот методологияси. Ресурсларни солиққа тортишнинг назарий асосларини таъминлаштириш асосларини тадқиқ қилишида илмий абстракциялаш, индуksия-дедукция каби назарий усулларидан ва кузатиш, статистик

таҳлил, вертикал ва горизонтал таҳлил ва усуллардан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Жамиятда ишлаб чиқариш муносабатларининг пайдо бўлиши биланоқ, ресурсларга бўлган эҳтиёж ошиб борган. Аммо, тарихий, илмий-мантиқий ва иқтисодий жиҳатдан олиб қарабланда ресурслар ишлаб чиқариш муносабатлари ҳали юзага келмаган даврданоқ мавжуд бўлган, масалан, табиий ресурслар хатто инсоният пайдо бўлмасдан олдин табиий-геологик ва биологик жиҳатдан мавжуд бўлган. Инсоният яшаш учун кураш асносида дастлаб табиий ресурслардан фойдалана бошлаганки, ресурсларга иқтисодий тус бера бошлаган ва уларга ана шундай муносабатда бўлган. Инсоният ўз манфаатлари йўлида бу каби табиий ресурсларни кашф қила бошлаган, яъни уларнинг иқтисодий аҳамияти ва ролини ўргана бориб, уларнинг нафлийлик даражасини ҳам аниқлаб борган. Демакки, табиий ресурсларни иқтисодий ресурсларга айлана бошланишида, қадимги одамларнинг жамиятда яшаб қолиши учун табиат билан мулоқат қилишда табиий

ресурсларга кун кўриш мақсадида муносабатда бўлиши муҳим роль ўйнаган. Ресурсларнинг бундай бўлинини уларнинг моҳиятини ўрганишга бўлган эҳтиёж ҳам юзага келган ва ресурсларни ўрганиш билан боғлиқ алоҳида фанларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бундан кўринадики, ресурсларнинг ички моҳияти, яъни, уларнинг табиий, физик ва химиявий хусусиятларига қараб уларни товар ишлаб чиқаришда фойдаланиш иқтисодий муносабатларнинг мураккаблашуви билан бирга шаклланиб борди.

Ресурсларни солиқка тортиш масалаларни қамраб олганлиги сабабли илмий билиш нуқтаи назаридан ресурсларнинг шаклланиши, уларнинг туркумланиш асослари, уларнинг ички ва ташқи хусусиятлари, энг муҳим уларга иқтисодий ресурс сифатидаги ёндошувларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш муҳим деб ҳисоблаймиз. Чунки, ресурсларни солиқка тортиш жараёнида уларнинг ички моҳиятини чукур англаган ҳолда ёндошилса, ресурсларниadolатли солиқка тортиш имконияти мавжуд бўлади.

Ресурсларга ёндошувларнинг шаклланиши



1-расм. Ресурсларга ёндошувларнинг шаклланиши

Манба: муаллиф томонидан тузилган.


Ресурслар ҳақида фикр юритар эканмиз, уларга бўлган ёндошувларнинг эволюцион шаклланишига қарайдиган бўлсак, дастлаб озуқа манбаи ва воситаси сифатида, кейинчалик меҳнат қуроллари сифатида ҳам, тараққиётнинг кейинги босқичларида уларга меҳнат қуроллари сифатида, жамиятда мануфактуранинг юзага келиши давларида эса ишлаб чиқаришнинг асослари сифатида, жамиятда саноатлашган ишлаб чиқаришга асосланиш давларида эса, такрор ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларнинг муҳим омили сифатида ёндошилганли-

гини кўриш мумкин. Жамиятнинг техник тараққиёт даражасида ривожланишидан тортиб бугунги давларга қадар ресурсларга табиий-иктисодий-интеллектуал омили сифатида ёндошилмоқда. Илмий билиш назариясига асосланиб тадқиқотларимизни давом эттирадиган бўлсак ресурсларнинг иқтисодий моҳиятини уларнинг табиий хусусиятлари билан параллел равища ўрганишни тақозо этади.

Баъзи манбаларда табиий ресурсларнинг иқтисодий аҳамияти ҳақида мулоҳаза келтирилади. Жумладан, «табиий ресурслар, бир томон-

дан, моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва иқтисодий ривожланиш манбайдир. Бошқа томондан, табиятдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмида табиий ресурслар эгаси ва улардан

фойдаланувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатларни амалга ошириш шакли, давлат даромадларининг асосий манбаларидан бири бўлган табиий ресурслар учун тўловлардир»[15].



2-расм. Ресурсларни солиқقا тортишнинг мақсад йўналишлари

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Илмий назарий нуқтаи назардан олиб қаралганда солиқقا тортиш обьектларини аниқлашда ва уларни қонун йўли билан солиқقا тортиш жараёнида бирламчи вазифалардан бири сифатида солиқقا тортишнинг мақсадини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Солиқقا тортиш мақсади тўғри аниқланса, демак, солиқقا тортишнинг адолатлилик тамойилини ўрнатишга имкон туғилади. Шу жиҳатдан қаралганда ресурсларни солиқقا тортишнинг мақсад йўналишларини илмий жиҳатдан асослаш ўз аҳамиятига эгадир. Юқорида келтирилганидек, аслида ресурсларни солиқقا тортиш икки хил йўналишда, табиий ресурсларни солиқقا тортиш ҳамда молиявий ва моддий ресурсларни солиқقا тортиш йўналишда амалга оширилади. Аксарият дунё мамлакатларида табиий ресурсларни солиқقا тортиш асосан уч йўналишдаги мақсадда: табиий ресурслардан фойдаланувчиларнинг ресурслардан самарали фойдаланишга ундаш, табиий ресурслардан фойдаланувчиларнинг ресурслардан фойдаланишда табиятга келтирган зарарларни уларнинг зиммаларига юклаш ва давлат бюджети даромадларини шакллантириш (фискал) мақсадда солиқقا тортилади. Солиқ тўловчи тадбиркорлик субъектлари (юридик ва жисмоний шахслар) табиий ресурслардан фойдаланиш ҳукуқини олиши билан биргаликда табиий ресурслардан тежамкорлик асосида мажбуриятини ҳам олади, бу мажбуриятни бажаришининг молиявий дастаклари сифатида солиқقا тортиш катта аҳамият касб этади. Агар, табиий ресурсларни солиқقا тортиш назарияларига қарасак,

иқтисодиёт оламида “Пигу солиғи” деб тан олинган назарияга кўра, инглиз иқтисодчиси А.Пигу ғоясига кўра, тадбиркорлар иқтисодий фаолиятида бевосита ёки билвосита атроф-муҳитга зарар етказади атроф-муҳитга етказган зарарни қоплаш, табият ва жамиятга етказилган ушбу зарарни қоплашлари учун давлат томонидан махсус солиқ тўлашлари адолатдан бўлади. Молиявий ва моддий ресурсларни солиқقا тортишнинг асосида эса, ресурсларни солиқقا тортишнинг мақсад йўналишларидан бироз фарқ қиласди, бунда асосий мақсадда ушбу ресурслардан самарали фойдаланишдан кўра, давлатнинг фискал мақсадлари устуворлик касб этади, бироқ, кейинги мақсадлар сифатида албатта, молиявий ва моддий ресурслардан уларнинг эгалари томонидан самарали фойдаланишга ундаш ҳам туради.

Ресурсларни солиқقا тортиш жараёнида фақатгина улардан фойдаланувчилар ва эгалик қилувчилардан солиқларни ундириш ҳолати билан биргаликда давлат бу каби ресурсларни асраш, уларнинг таркибини сифат жиҳатдан яхшилаш, ресурсларга нисбатан давлатнинг молиявий сиёсатини ҳам назардан қочирмаслик керак. Чунки, агар, табиий ресурс ва бошқа ресурсларни сақлаш, улардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган механизмларни давлат олиб бормаса, улар ҳам миқдор ҳам сифат жиҳатдан камайиб ёки сифати бузилишига, провардида эса, солиқларни ундиришга ҳамда солиқ тушумларига таъсир қиласди. “Биологик ресурслар ҳаёт ҳодисаси билан боғлиқ ва шунинг

учун барча тирик мавжудотлар каби улар кўпайши ва шунинг учун тикланиши мумкин. Шу билан бирга, биологик ресурслардан оқилона фойдаланишнинг асосий шарти уларни қазиб олишнинг илмий асосланган меъёrlарига қатъий амал қилишдир. Сув ва ҳаво миқдорий жиҳатдан тугамайдиган ресурслардир, лекин уларнинг сифати тугайди, шунинг учун улардан оқилона фойдаланиш ифлосланишдан ҳимоя қилишни назарда тутади. Шу билан бирга, турли тозалаш иншоотлари қурилиши муаммони ҳал этмайди. Ресурслардан комплекс фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияларни ишлаб чиқиш муҳимроқдир.

Бундан ташқари солиқ тўловчининг мулки бўлган кўчмас мулк шаклидаги ресурслардан унинг эгалари томонидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида солиқдан маълум имтиёзлар ёки самарасиз фойдаланилган бу турдаги ресурслар учун эса кўпроқ солиқ солиши сиёсатини қўллади, бундан асосий мақсад эса, кучмас мулк аслида маълум бир қийматга эга бўлиб, корхонанинг мулкидан самарали фойдаланиш ҳам давлат учун ҳам солиқ тўловчи учун ҳам манфаатли бўлади ва буни солиқ тизими орқали ҳам давлатнинг доимий назоратида бўлиши табиий ҳол ва иқтисодий эҳтиёж саналади.

Тараққиётнинг ривожланиб бориши ер ости бойликларни солиққа тортиш механизмларининг вужудга келишига туртки бўлди. Жамиятда саноатлашувнинг илдиз ортиши, фойда олишни тадбиркорлар, жумладан давлат ҳам ер қаъридан фойдаланишнинг умумий тартибларини эълон қилиш билан бирга улардан фойдаланганлик учун мажбурий тўловларни ҳам жорий қилиш орқали, миллий бойликни асрарнинг молиявий услубларидан фойдаланиш билан бир қаторда давлат ғазнасини даромад билан таъминлашнинг бир воситаси сифатида ҳам ёndoшиб келинмоқда.

Жуда кўп манбаларда ресурсларни солиққа тортиш деганда ер, сув, нефт, газ, ёғоч ва бошқалар каби табиий ресурслардан фойдала-

ниш асосида ундириладиган солиққа тортиш тизими тушунилади. Ресурс солиқлари компаниялар ва шахсларни ресурсларни тежашга ва улардан самаралироқ фойдаланишга ундейдиган тартибга солиши механизми бўлиши мумкин. Ресурсларга солиқлар турли шаклларда бўлиши мумкин, жумладан, қазиб олиш солиги, фойдаланиш учун солиқ, ресурсларни экспорт қилиш ёки импорт қилиш учун солиқ. Ресурсларга солиқ солиши иқтисодиёт ва атроф-муҳитга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Умумий хулосалар сифатида таъкидлаш мумкинки, ресурсларни солиққа тортишда, биринчидан уларнинг ички ва ташқи хусусиятлари, уларнинг миллий иқтисодиётда муҳим стратегик аҳамиятлилиги, улардан фойдаланувчиларнинг самарали фойдаланишга ундейдиган жараённинг зарурлиги, уларнинг нафлилиги, солиқ тўловчининг мулки бўлган кўчмас мулк шаклидаги ресурслардан унинг эгалари томонидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида солиқдан маълум имтиёзлар ёки самарасиз фойдаланилган бу турдаги ресурслар учун эса кўпроқ солиқ солиши сиёсатини ва шу каби муҳим омиллардан келиб чиқиб ёndoшилади. Ресурсларни солиққа тортиш масаласини тадқиқи бу борадаги илмий тадқиқот ишларини назарий таҳжил қилишни ҳам тақозо этади.

Хулоса ва тақлифлар. Дунёда энг глобал муаммолардан бири бу табиий бойликлар чекланганлик шароитида аҳолининг турли хил эҳтиёжларини қондириш, мамлакатларнинг социал-иктисодий ривожланишини таъминлаш йўлида табиий ресурслардан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш масалалари бўлиб, бу йўналишда турли хил молиявий инструментлардан фойдаланишни тақозо этади. Шу жиҳатдан олганда, солиқ тизимининг муҳим вазифаларидан бири сифатида табиий бойликлардан фойдаланувчиларидан самарали фойдаланишга ундовчи (мажбурловчи) ва жамиятнинг иқтисодий ҳамда социал манфаатлари доирасида мақсадли фойдаланишни таъминлаш бўлмоғи лозим.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Faafur Fулом нашириёт уйи 2020.- 640 б.
2. F.A.Сафаров. Хўжалик юритувчи субъектларнинг табиий ресурслардан самарали фойдаланишини солиқлар воситасида рағбатлантириш. Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. Т.Академия. 2006 й. 26 б.
3. Д.Р.Қурбанов Ўзбекистон республикасида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг молиявий механизмларини тақомиллаштириш. И.ф.д (DSc)... дис... автореферати. – Т.: 2020. -38 б.
4. З.АХ.Тошқулов. “Қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириши масалалари”. И.ф.д (DSc)... дис... автореферати. – Т.: 2021. -47 б
5. Kuznetsov, S.A. (1998). Great Dictionary of the Russian language. – St. Petersburg, "Norint"
6. Bodи, Zv., Merton R.K. (2013). Finance. – Moscow, Publishing House "Williams", 2013. Bolshakov, S.V. (2006). Finance companies. Theory and practice. – Moscow: Book World, 2006. – 617 p.
7. Barulin, S.V. (2010). Finance. – Moscow, KNORUS, 640 p.
8. Zyatkovskyy, I.V. (2000). The financial support of business – Ternopol, Economic thought, 215 p.

9. Sokolska, T.V. (2014). *Financial support for agriculture. Economy and management of agribusiness*, issue 1, p. 140-146.
10. Нормурзаев, У.Х. (2021). Ҳукуматимиз томонидан бериләтган солиқ имтиёзларининг ҳисобини юритиш ва самарадорлигини таҳлил қилиш масалалари. Экономика и финансы (Узбекистан), (10 (146)), 47-56.
11. Нормурзаев У. (2021). Анализ эффективности налоговых льгот и преференций в поддержке определенных секторов с целью дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности в узбекистане. *Economics and Education*, (6), 82-86. https://doi.org/10.55439/ECED/vol_iss6/a285
12. Нормурзаев, У. (2021). Пути эффективного использования налоговых льгот для поддержки предпринимателей. Экономика и инновационные технологии, (4), 355-362. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11954
13. Нормурзаев, У. (2023). Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида молия бозорининг долзарб муаммолари тадбиркорликни тенг рақобат шароитларини яратиш ҳамда яширин иқтисодиёт улушкини қисқартириши ўйлари. Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка, 88-89. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/financial-market-growth/article/view/19032>
14. Нормурзаев, У. (2023). Солиқ имтиёзлари берни тартибини тақомиллаштириш масалалари. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 24(1), 334-339. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a51
15. Нормурзаев, У. (2023). Яширин иқтисодиётни камайтиришда солиқ органларининг аҳамияти. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahsil*, 1(2), 215-221. Retrieved from <https://e-itt.uz/index.php/eitt/article/view/66>
16. Пансков В.Г. Налогообложение природных ресурсов: проблемы и пути решения, <https://cyberleninka.ru/article/n/nalogooblozhenie-prirodnyh-resursov-problemy-i-puti-resheniya/viewer>



ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЮРИТИШДА ТЕНГ РАҚОБАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ УЛУШНИ ҚИСҚАРТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ахмедов Феруз Баходирович -
PhD, Тошкент давлат иқтисодиёт университети
хузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари"
илмий-тадқиқот маркази мустақил тадқиқотчиси

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a34

Аннотация. Мазкур мақолада республикамизда сўнгги йилларда солиқ ва молия соҳаларида тадбиркорлик фАОлиятини юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, инвестиция мұхитини яхшилаш ҳамда бизнес доираларнинг ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар ёритилган. Шу билан бирга, иқтисодиётда яширин айланма савдо ва умумий овқатланиш, автотранспортда ташиш, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш, тураржой хизматларини кўрсатиш каби соҳалар ўрганилиб, хориж тажрибаси, мамлакатимизда уни қўллаш бўйича илмий-амалий хулоса ва тақлифлар шакллантирилган.

Калим сўзлар: солиқ тушумлари, таҳлика-таҳлил, хавфлар, самарадорлик, рақамли платформа, усууллар ва воситалар, илфор ахборот- коммуникация технологиялари, таҳлил, оптималлаштириш, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

НАПРАВЛЕНИЯ СОЗДАНИЯ РАВНЫХ КОНКУРЕНТНЫХ УСЛОВИЙ И СНИЖЕНИЯ ДОЛИ СКРЫТОЙ ЭКОНОМИКИ В ВЕДЕНИИ ХОЗЯЙСТВЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Ахмедов Феруз Баходирович -
PhD, соискатель Научно-исследовательского центра «Научные
основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при
Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В данной статье описаны широкомасштабные реформы, направленные на создание благоприятных условий для ведения предпринимательской деятельности в налоговой и финансовой сферах, улучшение инвестиционного климата и дальнейшее укрепление доверия деловых кругов к нашей республике за последние годы. При этом были изучены такие направления, как подпольная торговля и общепит, перевозки автотранспортом, жилищное строительство и ремонт, оказание бытовых услуг, сформированы научно-практические выводы и предложения по зарубежному опыту и его применению в нашей стране.

Ключевые слова: налоговые поступления, анализ, риски, эффективность, цифровая платформа, методы и инструменты, передовые информационно-коммуникационные технологии, анализ, оптимизация, налоговые льготы, налоговая ставка.